

ШАРТНОМА № 19

Гурлан тумани

«25» август 2022 й.

"Бархаёт Турсунбой" кичик корхонаси бундан буён матнда "Сотувчи" деб аталувчи номидан корхона рахбари Қ.Масапаев бир томондан ва Янгибозор туман Тиббиётбиллашмаси бундан буён матнда "Харидор" деб аталувчи номидан рахбари М.Вайсова фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор» нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради. «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

т/р	Махсулот тури	ўляовбирлиги	миқдор и	нархи	умумийқиймати	кқс		умумийқиймати ҚҚСбилан
						%	сумма	
1	Кровать металлическая (топчан)	дона	20	734 782,61	14 695 652,17	15%	2 204 347,83	16 900 000,00
	Стул на металлическом каркасе	дона	64	154 782,61	9 906 086,96	15%	1 485 913,04	11 392 000,00
Жами								28 292 000

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати (Йигирма саккиз миллион икки юз тўқсон икки минг сўм 00 тийин) ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари:

3.1. «Харидор» «Сотувчи» нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг 30 фоизини шартнома тузилгандан кейин олдиндан ўтказишни, қолган 70 фоизини махсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури тўловтопширикномаси

4. Шартноманинг бажарилиш муддати:

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Харидор»га шартнома имзоланиб 30 фоиз аванс тўлови ўтказилгандан кейин 3 кун ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «25» августдан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари:

5.1. «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи» нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Харидор» дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асосиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари:

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор» га махсулотни етказиб бериш

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бухақда далолатнома ёзилиб 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

6.2.3. Махсулотни баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги:

7.1. Махсулот бериш вақтида риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,4 % миқдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» махсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун махсулот баҳосидан 0,4 фоиз пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф шартнома умумий суммасини 0,4 % микдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаса маблағ микдоридан 0,4 фоиз пеня тўлайди, лекин пеня микдори тўланмаган маблағни 50 % микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи» га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарарни ва шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тўлайди.

7.7. Неустойка (жарима) тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари:

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқоралар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби:

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби:

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

10.1 Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

12. Бошқа ҳолатлар:

12.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга булиб икки нусxada тузилган.

12.2. Тарафларнинг бошқаталаблари: _____

12.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридикманзилгоҳиватўловреквизитлари:

Поставщик	<i>BarxayotTursinboyxususiykorxonasi</i>
Адрес	ГурлантуманиСахтиёнқишлоғи
Телефон	+99893 213 44 77
Рас/счёт №	20208000804770394001
Банк	Урганч ш., "Микрокредитбанк" АТБ
МФО	00549
ИНН	301141243
ОКОНХ	
ИФУТ	



Қ. Масапоев

Получатель	<i>Янгибозор туман Тиббиётбирлашмаси</i>
Адрес	Янгибозор ш Навбоҳор куча 61-уй
Телефон	62- 41-94-095
Шх/р	100022860332367073101054001
ИНН	201018832
МолияВазирлигиЯгона х/в газначиликбўлинмаси	
Банк	МБ Тошкентшаҳар Бош Бошқармаси ХККМ.
Рас/счёт №	23402000300100001010
МФО	00014
ИНН	201122919
Рақбар	М.Вайсова



Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va «Barxayot Tursunboy» kichik korxonasi o'rtasida tuzilgan Krovat metallicheskaya (topchan), Stul na metallicheskom karkase yetkazib berish haqidagi shartnomani huquqiy ekspertizadan o'tkazish yuzasidan

X U L O S A

2022 yil 25 avgust

Yangibozor tumani

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va «Barxayot Tursunboy» kichik korxonasi o'rtasida 2022 yil 25 avgust kuni tuzilgan Krovat metallicheskaya (topchan), Stul na metallicheskom karkase yetkazib berish to'g'risidagi №-19-sonli shartnoma loyihasini o'rganib chiqib, uni huquqiy ekspertizadan o'tkazdim. Yuqorida nomlari ko'rsatilgan yuridik shaxslar o'rtasida tuzilgan Krovat metallicheskaya (topchan), Stul na metallicheskom karkase yetkazib berish haqidagi №-19-sonli mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi 1998 yil 29 avgustdagi Qonunining 10, 20, 21 moddalari va O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 353-385-moddalari no'rmalari bilan tartibga solingan. Shartnomaning umumiy summasi jami 28 292 000 (Yigirma sakkiz million ikki yuz to'qson ikki ming) so'mni tashkil qilib, shartnomani imzolagan Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi boshlig'i KTMP mudiri v.b M.Vaisova va «Barxayot Tursunboy» kichik korxonasi rahbari Q.Masapayevga yuridik shaxs Nizomiga hamda chiqarilgan buyruqlarga asosan birinchi imzo huquqi berilgan. Mazkur xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni to'liq o'z ichiga olgan.

Yuqoridagilarga hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy ba'zasi to'g'risida"gi Qonunining 20-21-moddalarigava O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 29 iyundagi PQ-5168-son qarori bilan tasdiqlangan "Yuridik xizmat ko'rsatish markazlari to'g'risida"gi Nizomga asosan;

X U L O S A Q I L I N D I :

Yangibozor tuman tibbiyot birlashmasi va «Barxayot Tursunboy» kichik korxonasi o'rtasida 2022 yil 25 avgust kuni tuzilgan Krovat metallicheskaya (topchan), Stul na metallicheskom karkase yetkazib berish to'g'risidagi №-19-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari asosida ishlab chiqilganligi va qonunchilik texnikasi talablariga muvofiqligi qayd etilsin.

Yangibozor tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti



D.Otabayev